



The activity of the famous colonel of the Kokand Khanate Muhammad Yakubbek

Nurali SIDDIKOV¹

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received May 2024

Received in revised form

15 June 2024

Accepted 25 June 2024

Available online

15 July 2024

Keywords:

historicity,
systematicity,
social situation,
Kokand Khanate,
colonial invasion,
patriotism,
military leader,
khan,
amirlashkar.

ABSTRACT

The article describes the political process in the Kokand Khanate on the eve of the invasion of Tsarist Russia into the Central Asian khanates, and in this context, the activities of Muhammad Yakub are considered before he received the name Yakubbek Badavlat. The development of Muhammad Yakub as a person and his ascent from the lower ranks to the level of head of state is covered. It turned out that Yakubbek Badavlat was an influential politician and military leader.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss6/S-pp67-71>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қўқон хонлигининг машҳур саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг фаолияти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Россия империяси босқини арафасида Қўқон хонлигидаги сиёсий жараён ва Муҳаммад Ёқуб исмли шахснинг Ёқуббек Бадавлат деган ном олишгача бўлган фаолияти ёритилган. Муҳаммад Ёқубнинг шахс сифатида шаклланиши ва мансаб поғоналаридан кўтарилиши ва охир оқибат давлат раҳбари даражасигача етганлиги ёритилган. Шу билан бирга, Ёқуббек Бадавлатнинг кучли сиёсатчи ва лашкарбоши эканлиги очиб берилган.

Калит сўзлар:

тарихийлик,
изчиллик,
ижтимоий вазият,
Қўқон хонлиги,
мустамлакачилик
босқини,
ватанпарварлик,
саркарда,
хон,
амирлашкар.

¹ Senior Lecturer, Department of Social Sciences, Tashkent State University of Economics.

Деятельность знаменитого полковника Кокандского ханства Мухаммада Якуббека

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

историчность,
системность,
социальная ситуация,
Кокандское ханство,
колонияльное вторжение,
патриотизм,
военачальник,
хан,
амирлашкар.

В статье описан политический процесс в Кокандском ханстве накануне вторжения Царской России в Среднеазиатские ханства, и в этом контексте рассматривается деятельность Мухаммада Якуба до получения им имени Якуббек Бадавлат. Освещается становление Мухаммада Якуба как личности и его восхождение от низших чинов до уровня главы государства. Выяснилось, что Якуббек Бадавлат был влиятельным политиком и военачальником.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги, унинг асрлар давомида шаклланган тарихий илдизлари қайтарилди. Адолатга таянган миллий давлатчилик мероси мустақиллик сиёсатининг асосий ва устувор вазифалари сифатида эътироф этилди. Тарихни холисона таҳлил этиш ва ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов "... ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси... давлатчилигимизни илмий нуқтаи-назардан асосланган тарихини яратишдир" [1] – деган эди.

Мухаммад Ёқуббек 1820 йилда Тошкент вилоятининг Пскент туманида Латиф Шоқоси (баъзи манбаларда Исматулло) мулло оиласида туғилади. Шу замондаги Британия элчиси Роберт Шоунинг фикрича, Ёқуббекнинг бобоси Мухаммад Латиф бўлиб, у асли Қоратегиндан бўлган, Самарқанд яқинидаги Даҳбедда таълим олган эди. Унинг отаси Пирмуҳаммад ҳам шу ерда таълим олиб, Қурама қозиси қилиб тайинланган. Шу боис, у Қурама вилояти таркибидаги Пскентга келиб қолган [2].

Русларнинг 1852 йилда Оқмасжидга қилган муваффақиятсиз хужуми вақтида у ерда Мухаммад Ёқуббек қўмондон эди. Фақат 1853 йилдаги рус қўшинлари Оқмасжид қалъасини эгаллашга муваффақ бўлган эди. Оқмасжиднинг қўлдан кетиши ҳам Мухаммад Ёқуббек фаолиятига катта салбий таъсир кўрсатган. Унинг ҳокимлиги даври тугатилди. Мухаммад Ёқуббекка қарши кучлар вазиятдан фойдаланиб хужумга ўтган. Орадан кўп ўтмай Йўлдошбой карвонбоши Мухаммад Ёқуббек устидан бўҳтон уюштиради. Нормухаммад қушбеги Мухаммад Ёқуббекни Тошкентга чақиртириб олиб ўзига ботирбоши қилиб тайинлайди. Нормухаммад қушбеги ўз мансабидан четлаштирилиб, Қўқонга чақирилган пайтда Мухаммад Ёқуббек ҳам у билан Қўқонга қайтган. Кейин Мухаммад Ёқуббек Хўжандга бек қилиб тайинланади. Мухаммад Ёқуббек Хўжанд беги вазифасида турган вақтида Худоёрхонга гўё Мухаммад Ёқуббек унга қарши Ўратепа ҳокими Рустамбек билан бирга исён қилмоқчи деган хабар келган. Худоёрхон Мухаммад Ёқуббекни тезда тутиб, Қўқонга келтиришини буюрган. Аммо қўлга олинган Мухаммад Ёқуббек кечаси арқонни тиши билан узиб, Сирдарёдан кесиб ўтиб Бухорога кетади. Бу ерда Мухаммад Ёқуббек бир неча йил вақтини ўтказган. Кейин у Худоёрхоннинг яқин одами бўлган Мирза Аҳмад қушбегидан хонга унинг арзини етказишини илтимос

қилади. Мирза Аҳмад қушбеги воситачилигида Худоёрхон Муҳаммад Ёқуббекни узрини қабул қилган ва уни Понсодбоши қилиб тайинлаган.

Фидойи саркарда Россия империяси қўшинларининг Оқмасжидга ва кейинги йиллардаги Қўқон хонлигига бостириб киришини олдиндан билган. 1850 йили Қўқон хонлигига қарашли Қўшқўрғон, Кумушқўрғон ва Чимқўрғон рус аскарлари томонидан босиб олинади. Ушбу қалъалардан 1700 нафар аскар тўплаб жангга киради. 1851 йили Сибирь казакларидан таркиб топган, замонавий қурулланган аскарлар Тўйчибек қалъасини вайрон қилиб, майор Энгман бошчилигида Оқчабулоқ яқинидаги Муҳаммад Ёқуббек лашкарларига зарба беради. Бу жанг ҳақида тарихчи олим Ҳ. Зиёев шундай ёзади: *“Дастлаб, қўқонликлар ҳамжиҳатлик билан рус аскарларини анча сиқиб қўйдилар. Аммо қаттиқ ўқ ёмғири остида уларнинг пиёда аскарлари тарқалишга мажбур бўлди. Фақат қўқонликларнинг отликларигина русларга қарши ҳужумни давом эттириб, найзабозлик қилдилар. Ўзаро отишмалар то қоронғи тушгунча давом этди”* [3].

Биринчи марта рус қўшинларига қарши мардонавор жанг қилган Муҳаммад Ёқуббек ўзини йўқотиб қўймади. Орқага чекиниб, Оқмасжид қалъасини ҳарбий истехкомга айлантирди. Россия империяси қўшинлари полковник Бларамберг ва граф Перовский бошчилигида Оқмасжидга ҳужум уюштирдилар. Мудофаачилар Қўқон аскарлари ва аҳоли ҳужумни қайтариб, рус империяси аскарларини чекинишга мажбур этдилар. Улар бир йиллик тайёргарликдан кейин, 1853 йилнинг ёзида 17 та тўп, уч минг замонавий қурулланган аскар билан яна Оқмасжидни қамал қилдилар. Оқмасжид рус аскарлари томонидан босиб олингач, Қўқон хонлиги – Россия ўртасидаги муносабатлар кескинлашган.

Бу амалдорлар Наманганга келиб, вилоят ҳокими бўлиб турган Шералихоннинг набираси Шоҳмуродни олиб, Қўқонга келадилар. Улар Шоҳмуродни 1862 йил 26 февралда Қўқон хони деб эълон қилдилар. Шодмонхожа эса, қушбеги бўлиб олди. Бу вақтда Муҳаммад Ёқуббек Туркистонда ҳоким бўлиб, Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ хизматида эди. Бу хабарни эшитган Қаноатшоҳ Бухорога киши жўнатиб, Худоёрхонни Тошкентга олдириб келиб, хон қилиб кўтаради. Шунда Шоҳмуродхон ва унинг янги амалдор яқинлари Тошкент томон қўшин тортади. Қаноатшоҳ ҳарбий маҳоратга эга бўлган, саркарда Муҳаммад Ёқуббекка ишонч билдириб, Туркистондан олдириб келиб, Қурама вилоятига ҳоким қилади. Ўша даврда Қурама маркази Кировчи қалъаси бўлиб, Қўқондан бўладиган биринчи ҳужум шу қалъа орқали бўлганлиги боис, Қаноатшоҳ Муҳаммад Ёқуббекни шу қалъага ҳоким қилиб қўйган эди. Аммо кўп сонли қўшинга эга бўлган Шоҳмуродхон Хўжанд ва Нов орқали Кировчига ҳам кириб келади. Муҳаммад Ёқуббек бу кўп сонли қўшинга қарши чиқишни эп билмай, таслим бўлди. Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тойиб “Тарихи Али қули амир лашкар” асарида бундай ёзади: *“Дарёдан ўтиб, Кировчи устигаким Худоёрхон тарафидан Бадавлат ҳоким эрди, бориб қамалдилар. Бадавлат аҳд риояси учун бошдан ўн-ўн беш тўп ўтқунча сабр қилиб, сўнгра мусолиҳа билан чиқиб, Кировчи қўрғонини топширди”* [4]. Аммо Шоҳмурод ва унинг яқинлари Муҳаммад Ёқуббекнинг жасур саркардалигини билган. Шунинг учун уни 1862 йили Хўжанд ҳокими этиб тайинлашади.

1863 йилда Худоёрхон тахтдан туширилиб, Маллахоннинг ўғли Султон Саидхон Қўқон хонлиги тахтига чиққан. Алиқули эса унинг қайнотаси бўлиб, бутун хонликнинг давлат бошқарувини ўз қўлига олган эди. Алиқули Маллахоннинг

ўғли Султон Сайидни хон этиб Қўқон тахтига ўтқазади. Ўзи эса, “Амирлашкар” унвони остида ҳаракат қилади. Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳарбий саркадалигини яхши билган, илгари дўст бўлиб юрган, отаси Маллахонга хизмат қилган Муҳаммад Ёқуббекни Султон Сайид Бухородан олдириб келган. Бунга Алиқули ҳам рози бўлади. Муҳаммад Юнус Тойиб ёзишича, Муҳаммад Ёқуббек Алиқулининг яқин кишисига айланган ва унга яхши хизмат қилганини бир неча бор ўз асарида таъкидлаб ўтади. Бир куни дейди у *“Бадавлат бир қўлида кимхоб тўн билан олдимга кириб келиб, “сиз шиғовул [5] деб устимга тўн кийдириб, тош уққан тилло асони қўлимга топширди” [6].*

Амир лашкар бу пайтда Қўқон қўшини билан Оқжар қишлоғидан ўтиб, азим Сирдарёдан кечиб, Бободархонга қўнади. Кечга яқин Тошкентдан элчи келиб, рус аскарлари енгилганини айтади. Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тойиб шундай дейди: *“Бободархонда амирлашкар ва мен иккавлон шўрбо ичиб турган вақтда, Юсуф Қашқарий деган йигит: “Тошкентни Чернаеф жондорол (генерал демоқчи-муаллиф) Русия аскарлари билан келиб қамаб, қўрғонга югурди ва жаноби (Ёқуббек) Бадавлат кўп ғайрат ва шижоат кўрсатиб, Русиё аскарлари шикаст топиб қайтди” – деган мазмунда ариза олиб келди. Амир лашкар “қўрғондан ҳаргиз чиқманглар, деб батаъкид иноятнома бирла бу одамни қайтариб юборди” [7].* Шундан сўнг Алиқули ўз қўшини билан Кандир доvon орқали Келов манзилига, ундан сўнг эса Тўқайтепага ва у ердан Тошкентга кириб келди. Тошкентнинг Мингўрик мавзеида икки кун туриб, бутун Тошкент аҳлини бу ғалабаси билан қутлади. Хон Султон Сайидхон Тошкент ўрдасига келиб ўрнашди. Унинг олдида Муҳаммад Ёқуббек ҳам келиб саломга кирди. Амир лашкар Алиқул олдида бу пайтда Шарқий Туркистоннинг Қашқар шаҳридан хат-хабар келган бўлиб, уни бу масала кўп ўйлантириб қўйган. Қашқар ва унинг атрофи, у ерда бўлаётган воқеалар ҳақида кўпдан эътибор бериб юрган. Чунки Шарқий Туркистондаги манжурлар ҳокимиятига қарши кураш жараёни кескинлашаётган вақти эди. Ҳатто Муҳаммад Аъламнинг “Тарихи Хўтон” асарида *“Абдурахмон Хўтонни олгач ўз укаси Иброҳимни Андижон ва Қўқонга юборган. У билан бирга, 4 мусулмон, 20 та отлиқ киши, 7 та отга юкланган совға-салом ва 70 ёмбۇ ҳам юборган. Иброҳим олиб келган мактубда “Биз шаҳарни олдик ва ислом озод этилди. Биз сизни ҳукмдоримиз деб биламиз. Агарда душман бизга ҳужум қилиб қолгудек бўлса, сизда мадад тилурмиз”, деб битилган эди”* деб ёзган [8]. У ўз шиғовули ва Шарқий Туркистонга элчи бўлиб бориб юрган Муҳаммад Тойибдан, Шарқий Туркистон ҳақида кўп нарсалар сўрайди. Бу ҳақда Муҳаммад Юнус Тойиб шундай дейди: *“Жаноби Амирлашкар Қашқар ва уни тавобати таърифини ва фуқаролари фармонбардор ва жаннати бетакаллуфлигини кўп эшитган сабабли қилинадиган неча каррот ул вилоят авзои ва атворини сўраб, уни қўлга киргизмоқ ва тасаруф қилмоқ тавқи кўнгулларига тушган ва истило топган эди”*. Бу фикр билан Алимқул уч кунгача ҳеч кимни қабулига киргизмади. Фақат шиғовулгина хабар олиб турган, холос. Учинчи куни у Муҳаммад Ёқуббекни сўради. Муҳаммад Ёқуббек *“қандай номақбул иш қилдим”,* деб унинг ҳузурига етиб келган. Шиғовул унга *“ҳеч қандай зарра заҳмат йўқлигини”* ва *“сизни подшоҳ қилмоқчи эканлар”* деб айтиб кўнглини хотиржам қилади. Шундан сўнг, уч кун ўтгач, Ўрданинг барча амалдорлари, ҳарбийларни ва бекларини йиғиб катта мажлис ўтқазади. У бу мажлисда Қашқардан хат келганини, бу хатда Шарқий туркистонлик хожалардан бўлмиш Жахонгирхожани

ўғли Бузрукхожани ва унга қўшиб бир неча аскар сўраб мурожаат қилганини айтади. Бу мурожаатга қандай жавоб бериш кераклиги ҳақида ўртага маслаҳат солади. Бу ҳақда яна Муҳаммад шиғовул шундай ёзади: *“Бу машваратдан оҳирлари бу маъно қарор топдики, Жаҳонгирхон тўра ўғли Бузрукхон тўрани ҳозир қилиб дедиларки” “Сизни Қашқарга тўра ва хон қилдим, аммо юртдорлик ва олмоқу бермоқ ва урмоқ ўлдирмоқ ва азлу касб ва мунга ўхшаш ишлар тамоман (Ёқуббек) Бадавлат ихтиёрида бўладур. Анга сиз ҳаргиз даҳлу тааруз қилмай, хонлик ва тўралик отига қаноат айлаб, айшу ишратга машғул бўлиб, Бадавлат ишоратидан ҳаргиз чиқмайсиз” деб ўртага Қуръони каримни қўйиб қасам ичдириб, аҳду паймон қилдирди [9].* Шундан сўнг Муҳаммад Ёқуббек ўзига минмоқ учун Муҳаммад Тойибдан бир от сўраган ва Бузрукхўжани олиб Қашқарга жўнаган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Ёқуббекнинг Қўқон хонлигидаги ҳаёти, сиёсий, ҳарбий ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти шу воқеадан сўнг тугади. Бу воқеа 1864 йилнинг декабрь ойида юз берган бўлиб, бу пайтда у 44 ёшда эди. Шу воқеадан сўнг Қўқон хонлигидан чиқиб кетган Муҳаммад Ёқуббек ўз Ватанига қайтмайди. Аммо ўз Ватанида ҳукм сурган Қўқон хонлиги давлатчилиги анъаналарини Шарқий Туркистонда ўзи ташкил этган Еттишаҳар давлатида давом эттирган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 12.
2. Kim Hodong. Holy war in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864 – 1877. – Stanford, California. 2004. –p. 77.
3. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998. – Б. 94-95.
4. Муҳаммад Юнус Тойиб. «Тарихи Али қули амирилашкар»// «Шарқ юлдузи» журнали. 1996 й. № 1-2. – Б. 209.
5. Шиғовул – Қўқон хонлигидаги мансаблардан бири бўлиб.
6. Муҳаммад Юнус Тойиб. «Тарихи Али қули амирилашкар»// «Шарқ юлдузи» журнали. 1996 й. № 1-2. – Б. 217.
7. Муҳаммад Юнус Тойиб. «Тарихи Али қули амирилашкар»// «Шарқ юлдузи» журнали. 1996 й. № 1-2. – Б. 218.
8. Муҳаммад Аълам. Тарихи Хўтон // Франция Миллий кутубхонаси. № М 3348-8. – 206 varaқ.
9. Муҳаммад Юнус Тойиб Тошкандий. Тарихи Алиқули амирлашкар / Тухфаи Тойиб. Сўз боши, таржима, табдил ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов ва Д. Чориева. – Тошкент: 2011. – Б.